Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 ноябрь, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 216 (1218)

## ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов 2 ноябрь куни бир гуруҳ олимлар — мамлакат Фанлар академияси вакиллари билан учрашди.

Ўзбекистон фани, хусусан, Фанлар академияси олдида турган муаммолар кўп, деди Ислом Каримов. Биз аввалги учрашувларимизда уларни ҳал этиш бир кунда бўладиган иш эмаслиги, бу масалаларни қадам-бақадам ечиб бориш тўғрисида фикрлашган эдик. Шундан буён ўтган икки йилча вақт мобайнида академиянинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижодий муҳитни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, қийинчилик билан бўлса-да, олға силжимоқда. Шуниси қувончлики,ислоҳотларнинг дастлабки натижалари, бу йўлдаги ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Буни нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёдаги буюк давлатларнинг раҳбарлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Бизнинг икки-уч йил аввал Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган шиоримизни истеҳзо билан қаршилаган айрим кимсалар ҳам бугунги ҳақиқат олдида тан бермоқда.

Бу меҳнаткаш халқимизнинг самарали меҳнатлари натижаси, ютуғидир. Бунда сиз, турли соҳа олимларининг ҳам сезиларли ҳиссангиз бор, қолаверса, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак маданият, интеллектуал салоҳият борки, ана шулар бу натижаларни қўлга киритишда асосий омил бўлди, десам янглишмайман. Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу — меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақл-заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамида таъкидлаганимиздек, энг оғир кунлар ортда қолди. Бизни Яратганнинг ўзи бало-қазодан асради ва асраяпти. Фарғона, Ўш фожиаларининг олови вақтида ўчирилди, миллий, диний низолардан сақлана билдик. Зеро, тинчлик йўқ жойда ҳеч нарса бўлмайди, савобли ишларга қўл тегмайди. Доноларимиз, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар.

Бу ҳикматни теран тушуниш керак. Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узоқ-яқин юртларни кўриб келаётганлар кўзи очилиб қайтяпти. Чунки ҳақиқий шароит солиштириб кўрганда билинади. Демоқчиманки, биз ҳам истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида оғир хавф остида яшадик. Нафақат иқтисодий қийинчилик, балки маънавий таназзул хавфини ҳам бошимиздан кечирдик. Шукрки, халқимиз ўша вақтдаги вазиятни, бизнинг ниятимизни тўғри тушунди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса, ўз навбатида, ислоҳотларни амалга оширишда катта таянч бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. ШАГАЕВ тасвирга олган.

Мамлакатимиз олдида турган муаммоларга келсак, иқтисодий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда ва бу борада кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Аминманки, яқин йиллар ичида иқтисодий аҳвол бутунлай ўнгланиб кетади. Аммо илм-фанни ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш борасида эса сиз, академиклар, барча зиёлилар олдида жуда улкан вазифалар турибди.

Республика Фанлар академияси ҳақида гапирар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур илм масканида кейинги бир ярим-икки йил ичида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бир қанча ёш, истеъдодли олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолар эса 86 нафарга етди. Бу сизлар учун оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, таъбир жоиз бўлса, сиз шу қозон ичидасиз. Лекин кенг жамоатчилик назарида, халқимиз ҳаётида бу катта воқеа бўлди. Марказдан четроқда — вилоятларда ишлаётган ходимлар, айниқса умидли ёшларнинг академия аъзолигига сайланиши уларнинг адолат ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳарлаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Шу маънода Фанлар академиясига янги сайловлар бу ерда қарор топаётган соғлом муҳитнинг илк намойиши бўлди, деди Президент.

Лекин бугунги кунда Фанлар академияси олдида турган муаммолар ҳам кам эмас. **Биз яхши тушунамиз, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келажакни ўйлаб, борига қаноат қилиб фан йўлида заҳмат чекиш — бу фидойиликдир.** Бугунги кунда шуни тан олиш лозим: лаборатория ва тажрибахоналарда илм-фанга бутун қалби билан берилган чинакам саботли ва садоқатли заҳматкашларгина қолди, десак ҳеч қачон муболаға бўлмайди. Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

Ҳозирги оғир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг бурчимиздир. Ўз лабораториясига, ўз изланиш ва тадқиқотларига, ўз фанига содиқ қолган илм аҳли бугун ҳар қанча эъзозга муносиб. Менга қолса, бугун ана шундай одамларга атаб «Фанга садоқати учун» деган махсус медал таъсис этган ва ўша фанпарвар одамларнинг ҳар бирининг кўксига ўз қўлим билан тақиб қўйган бўлур эдим.

Фанлар академиясининг тарғиботи етарли даражада эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Телевидениенинг ҳам, матбуотнинг ҳам бу соҳага эътибори шахсан мени қониқтирмайди, деб таъкидлади Президент. Илм-фаннинг ҳақиқий фидойиларини кўпроқ кўрсатиш, бу мавзудаги кўрсатув ва мақолаларнинг мазмунини тубдан яхшилаш керак.

Халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. **Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.** Шу ўринда мени бир нарса қувонтирадики, бизнинг етакчи олимларимиздан ҳеч ким ўз манфаатини ўйлаб чет элларга кетиб қолмади. Ҳолбуки, у ёқларда бизнинг олимларга ҳам «харидорлар» кўплаб топилади.

Шахсан мен буни асл ватанпарварлик белгиси, деб биламан. Юртга бундай содиқлик, бу сабр-чидам, албатта, таҳсинга арзийди. Лекин шу ўринда бошқа ҳақли савол туғилади: хўш, бу сабр-бардош қанчагача давом этиши мумкин? Ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси борку! Агар биз илм-фан аҳлига, чинакам фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бермас эканмиз, бу ҳол тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаннинг замона талаблари даражасида тараққий топиши учун, менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: **ғоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркинлиги.**

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди. Савдо-сотиқ, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор.

Иқтисодимизнинг ривожланиши, бозор тўкин бўлиши, миллий валютани эркин алмаштириш, чет элларга бориш-келишни осонлаштириш мумкин. Шубҳасиз, ҳадемай барча иқтисодий масалалар ечилади. Ўзбекистон, албатта буюк давлатлар сафидан жой олади. Лекин халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун фан кишилари узоқни — ана шу кўзлаган буюк келажагимизни назарда тутиб ишлашлари керак.

Шу маънода, Фанлар академияси олдида қандай вазифалар турибди?

**Биринчидан**, биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда ғурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. **Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.** Илгари айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим. Хўш, аждодларимиздан бизга буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз?

Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг **иккинчи** муҳим вазифаси бўлиши керак.

**Учинчидан эса,** умуман академиянинг таркибий тузилишини қайта қурмоқ даркор. Токи, бу фандаги устивор соҳаларни ривожлантириш учун тўла имконият берсин.

Очиғини айтганда, илм-фан соҳасида танқид жуда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кучли. Ҳолбуки, танқид — тараққиёт омилларидан биридир. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур. Негаки, бир илмий кашфиётнинг, айтайлик, инглиз тилидан рус тилига, кейин ўзбек тилига ўгирилиб, бизга етиб келиши учун уч-тўрт йил вақт кетади ва у эскириб қолади. Бинобарин, аслият тилини билмаган олим илмий янгиликлардан, тараққиётдан орқада қолади. Ўз қобиғига ўралашиб қолиш эса фанда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз шарт, деди Президент сўзини давом эттириб, биз Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлакати бўлиш гўёки қолоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлакати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият Академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина, муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни давринг ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир, деди Президент. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Айниқса, фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир. Нима учундир айрим кишиларда бу фанларни ривожлантириш қимматга тушади, деган нотўғри қараш бор. Фақат бу фанлар улкан самарасини кейинроқ беради, холос. Улар олимдан алоҳида салоҳият, истеъдод, сабот-матонат талаб этади. Бу фанлар билан дуч келган ҳар қайси олим ҳам шуғуллана олмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бу фанлар ривожига кўмаклашувчи алоҳида жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу жамғарма маблағларини устивор илмий соҳалар учун адолатли тақсимлаш академия ва жамғарма кенгаши зиммасида бўлиши зарур.

Менинг яна бир фикрим шундайки, биз фан ва унинг ҳар қайси бўғинларига — у институт, бўлим, лаборатория бўлсин, тегишли эркинлик, тегишли қулайлик ҳамда моддий шарт-шароит яратиб бермасак бу соҳада самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчиманки, деди Ислом Каримов, академиямиз бундан буён ҳам энг нуфузли фан маскани бўлиб қолсин. Илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг бeқиёс ақл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар.

**А.ТОШХЎЖАЕВ.**
**(ЎзА).**

## ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан шу йил 14-16 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 НОЯБРДАГИ «ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Кўрилаётган чораларга қарамай, айрим хўжалик раҳбарларининг бепарволиги, масъулиятсизлиги оқибатида ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлиши ва пайҳон қилиниши ҳоллари давом этмоқда. Бу ишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва етказилган зарарни тўла ундириб олиш юзасидан қатъий амалий чоралар кўрилмаяпти. Қишлоқ хўжалик экинзорларида мол ва парранда боқиш, автотранспорт воситалари, шунингдек молларнинг экинзорлар орқали ўтиши ҳолларига қарши кураш бўшашиб кетган.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва хўжалик раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини бажаришга доир ишлари қониқарсиз деб топилсин.

Улардан экинлар сақланишини таъминлаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш талаб қилинсин. Экинлар нобуд қилинишига йўл қўйган хўжалик раҳбарларига нисбатан уларни лавозимидан бўшатиш ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишгача қаттиқ чоралар кўрилсин.

2. Ички ишлар вазирлиги ( З. Алматов) экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар кўрсин. Амалдаги қонунни бузишга доир ҳар бир факт юзасидан айбдорлар қаттиқ жавобгарликка тортилсин. Экинлар кўпроқ пайҳон қилинадиган жойларда кузатиш постларининг иши мажбурий тартибда қайтадан тиклансин ва профилактика ишларининг самарадорлиги оширилсин.

3. Прокуратура (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ҳамма жойда «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилишини текширишни ташкил этсин. Қилинган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам ахборот бериб турсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 ноябрь.

## БИРЖА ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен амалий ташриф билан Ўзбекистонга келган Россия товар-хомашё биржасининг президенти А. Власовни қабул қилди. Очиқ-кора суҳбат чоғида ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари, бу ҳамкорликни амалга ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Россия товар-хомашё биржасининг раҳбари «Ўзулгуржибиржасавдо»да республика савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашиб, улар билан икки мамлакат анъанавий савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш муаммоларини муҳокама қилди. Ўзбекистондаги каби тадбиркорликни, бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги ўзгаришларни ривожлантиришни давлат йўли билан жиддий қўллаб-қувватлашни бошқа жойда учратмаганини айтди.

Россиянинг энг нуфузли эллик нафар тадбиркорлари қаторидан жой олган бу москвалик бизнесмен билан фикрлашув чоғида ахборот соҳасида ҳамда савдо фаолиятининг бошқа соҳаларида амалий ҳамкорлик тўғрисида бир қанча ҳужжатларни тайёрлаш ва имзолаш кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА).**

## СЎМНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда иш ҳақини назорат қилиш масалалари кўриб чиқилди. Учрашувда вазирликлар ва идораларнинг, банклар ва уларнинг филиаллари вакиллари иштирок этди.

Таҳлиллар 1995 йилда амалга оширилган назорат семинарли ижобий натижа берганини кўрсатди. Масалан, шу йилнинг саккиз ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача иш ҳақининг ўсиш суръати икки баравардан зиёдроқ пасайди. Бу эса, ўз навбатида нарх-навонинг ўсишини тўхтатиб туришга, миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг харид қувватини оширишга таъсир қилди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасининг «Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги ютуқлар ва камчиликлар хусусида батафсил гапирдилар. Мунозара давомида ўзбек сўмини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

## ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Кўҳна Туркистон заминида яшаётган эзгу ниятли кишиларнинг кўнгил тубидаги азалий орзуси — Туркистон халқлари маданиятларининг муштараклигини таъминлаш мақсадида беш қўшни мамлакат вакиллари иштирокида ноябрь ойининг иккинчи декадасида Тошкентда ўтадиган катта форумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ана шу анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳузурида унинг ҳисоб рақами очилди. Қардош халқларимизнинг асрий орзуси бўлган бу эзгу ниятга ҳисса қўшишни хоҳловчи ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, фирмалар ва шахслар қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказишлари мумкин: **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 70000045**

**МФО 172682116**

**Корреспондент ҳисоб рақами 200185814**

**Электрон почта билан:**

**Ҳисоб рақами 70000045**

**Марказий банкнинг ҳисоб-клиринг марказидаги ҳисоб рақами 000905001**

**МФО 172682214**

Ҳисоб рақамига ўз маблағларидан истаган миқдорда пул ўтказиб, бу улкан анжуман ташвиқот реклама имкониятларидан фойдаланишлари мумкин.

• «Оқ олтин» — 95

# Тошкент вилояти: 280 минг тонна пахта тайёр!

**ПОЙТАХТ вилояти деҳқонлари давлатга 280.000 тонна пахта топшириб, йиллик режани бажардилар. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.**

**Режани барвақт бажарган Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Бекобод туманлари меҳнаткашлари вилоят пахта хирмонига энг кўп улуш қўшдилар.**

**Ўтган йилларда йўл қўйилган камчилик ва хатолардан тўғри хулоса чиқариб иш юритилгани ютуқларнинг асосий омили бўлди. Биринчи навбатда бу йил ҳар хил навларни палапартиш экишга чек қўйилди. Олимлар билан маслаҳатлашиб, асосан вилоят шароитига мос бўлган «С-6532» ва «С-6524» навли чигит экилди.**

**Вилоят пахтазорлари сўнгги ҳосилдан тозаланиб, кузги шудгор учун тайёрланмоқда. Пахтакорлар республика хирмонига яна камида 10.000 тонна хомашё топширишга аҳд қилишди.**

## ВИЛОЯТДА РЕКОРД ҲОСИЛ

*Баҳром Умаров бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар гектар майдондан 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.*

«ГУЛЗОРОБОД» жамоа хўжалиги деҳқонлари давлатга 1100 тоннадан зиёд сифатли хомашё сотиб, йиллик режани Чиноз туманида биринчилардан бўлиб бажарган эдилар. Бу ютуқда Б. Умаров бошлиқ 40 центнерчи бригада аъзоларининг улушлари айниқса, салмоқли. Аҳил жамоа бир неча йилдан бери сурункасига вилоятда энг юқори ҳосилдорликка эришиб келмоқда.

Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Бригадир раҳбарларнинг кўр-кўрона берадиган кўрсатма ва йўл-йўриқларига эмас балки, ўзининг кўп йиллик тажрибасига таяниб иш тутди. Экиладиган ғўза навини ўзи танлайди, чигитни қачон экишдан бошлаб, қолган барча муҳим агротехник тадбирлар муддатини мустақил белгилайди. Бригада аъзолари эса бошлиқлари билан бамаслаҳат ишлаб, ҳар бир тадбирни ўз вақтида ва оби-тобига етказиб бажаришга одатланишган.

Шу кунларда бригадир бу йилги меҳнатдан келадиган даромадни хомчўт қилиш, кузги шудгорни барвақт тугаллаш, келгуси йил ҳосили режаларини тузиш билан банд.

Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари бирлашмаси пахтакорлари давлатга 8100 тонна хомашё топшириб, йиллик режани муддатидан илгари бажарган эдилар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинган ушбу хўжалик айни пайтда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» қўмитасининг фан-техника янгиликларини тарғиб этиш, ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича дала шароитида синаб кўриладиган таянч хўжалиги ҳам ҳисобланади.

Бу йилги мавсумда ушбу хўжалик далаларида Американинг «Кейс» корпорацияси билан мамлакатимиз ўртасидаги тузилган шартномага асосан ғалла ўрим-йиғими ва пахта терими даврида ушбу корпорациянинг комбайнлари синовдан ўтказилди. Американинг тўрт қаторли пахта териш комбайнини синовдан ўтказган Собир Шералиев мавсумда 600 тонна пахта териб олишга эришди.

СУРАТЛАРДА: Американинг тўрт қаторли «Кейс» пахта териш машинаси далада; мавсумда ана шу машина билан 600 тонна пахта териб олган (ўнгда) Собир Шералиев корпорация вакили Жон Морган Баунгтон ва мутахассислар билан суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ тасвирлари.

## ОМАД ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

***«АЧАМАЙЛИ» жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани Бўка туманида биринчи бўлиб бажардилар.***

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг тўртинчи йили хўжалик деҳқонлари учун омадли келди. Улар давлатга пилла ва ғалла сотиш режаларини барвақт адо этган эдилар. Энди энг долзарб ва масъулиятли мавсум — пахта йиғим-терими ҳам муваффақиятли якунламоқда. 810 гектар майдондан ҳозиргача йиғиштириб олинган 2400 тоннадан зиёд хомашёнинг деярли ҳаммаси давлатга юқори навларга сотилди.

Ҳозиргача йиллик режани 115 фоиздан ошириб бажарган Эрпўлат Ғойибов, Абдужаббор Абдусатторов, Ғулом Худойназаров, Бўрон Худойбердиев, Аҳмад Худойқулов бошлиқ бригадалар жамоалари йиғим-теримни, айниқса, уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Анора Маҳкамова, Оқила Саиджабборова, Ҳолида Худойбердиева, Ҳанифа Холбоева, Норбиби Шодмонова сингари чевар теримчиларнинг ҳар бири улкан хирмонга муносиб улуш қўшдилар.

Техника таъминотида катта қийинчиликларга қарамай, бу йилги мавсумда 16 та терим машинасидан унумли фойдаланилди. Аҳмад Омонов, Ашировали Норқулов, Шоди Санақулов, сингари тажрибали механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 100 тоннадан ошириб пахта териб, режанинг барвақт бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Қишлоқнинг фахрли отахон ва онахонлари кейинги йилларда йиғим-терим бошланиши билан белларига этак боғлаб, фарзандларини эргаштириб, пахтазорларга олиб чиқишни одат қилишган. Бу йил эса улар туман меҳнаткашларига очиқ хат билан мурожаат этиб, уларни оммавий сафарбарликка даъват этдилар. Аширбой ота Каримов, Ўринбой ота Нурматов, Ҳасан ота Очилов, Раҳмат ота Маниёзов, Абдуҳошим ота Худойқулов, Арслон ота Турдиев, Мўмин ота Бўрибоев каби ҳурматли қариялар йил бўйи хўжалик пахтакорларига фойдали маслаҳатлари билан ёрдам беришдан ташқари терим мавсуми бошланган кунданоқ пахтазорларга чиқишиб, оммавий сафарбарликни таъминладилар.

Бу йил четдан келган ҳашарчиларнинг ёрдами ҳар қачонгидан ҳам самарали бўлди. Чунончи, Ангрен тиббиёт билим юрти қизлари хўжалик хирмонига 220 тоннадан зиёд пахта териб тўкдилар. Хўжалик ҳудудидаги 13-мактаб жамоаси 60 тонна, 14-мактаб эса 100 тоннадан кўпроқ пахта териб берди. Шунингдек, туман ижтимоий таъминот бўлими, «Сирож» ишлаб чиқариш фирмаси ходимлари ҳам хўжалик пахтакорларига сидқидилдан ёрдам кўрсатдилар.

— Режани барвақт бажарган бўлсак-да, туманимиз вилоятимиз режани бажаргунча теримни сусайтирмай, давом эттирдик, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Худойберди Абдужабборов. — Энди навбат республикага. Бугун эрта, бу асосий довон ҳам забт этилади, албатта.

*Бўка туманидаги Ғ. Азаматов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режаларини бажариб айни кунларда режага қўшимча пахта топширишмоқда. Уларнинг бу ютуқларида Бўка шаҳар марказий шифохонаси жамоасининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.*

*СУРАТДА: жамоа хўжалиги раҳбари Омон Амиров шифокор теримчи қизлар билан суҳбатда.*

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ тасвирга олган.

## НАВДАН НАВНИНГ ФАРҚИ БОР

***«ТИНЧЛИК» — Янгийўл районидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Юк оғир бўлишига қарамай, йиллик режа барвақт бажарилди.***

ПАХТАДАН мўл ва эртаки ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири навни тўғри танлай билиш эканлигини хўжалик деҳқонлари бу йил амалда синовдан ўтказдилар. Улар хўжалик шароитида аввалги йиллари синаб кўрилган «С-6524», «С-6532» навларини маъқул деб топдилар ва асосий майдонларга шу нав чигитини қаладилар. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди.

Шу кунгача давлатга сотилган 2700 тонна хомашёнинг 200 тоннага яқини режадан ортиқчадир. Бу хўжаликка мўмай даромад келтиради.

— Бугунги кунда даромад қанча кўп бўлса шунча яхши, — дейди жамоа хўжалиги раиси Зуҳриддин Зоиров. — Чунки, узоқ йиллардан бери ишлатавериб, эскириб кетган техникаларни янгилаш пайти аллақачон келган. Қолаверса, қишлоқларимизда майда саноат корхоналарини кўпайтириб, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун ҳам кўплаб маблағ зарур.

Раис бу ниятларни фақат оғизда эмас балки амалда рўёбга чиқармоқда. Хўжалик иқтисодий ислоҳотлар йўлига дадил кириб бормоқда. Ҳозир бу ерда ғўзапоядан қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишлаб турибди. Хўжалик ўзининг пахта титадиган ва тикув цехига эга. «Анвар» хусусий корхонаси маҳаллий аҳоли учун стол-стул, эшик-деразa ромлари, диван ва болалар кроватлари ишлаб чиқармоқда.

Хўжалик раҳбарларининг наздида ҳали бу оз. Яна юзлаб қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш зарур. Бунинг учун яна бир қатор кичик саноат корхоналари очиш имконияти бор. Фақат хўжалик фаолиятидан келадиган даромадларни ўз вақтида олишса бас.

*Мақолаларни «Халқ сўзи» мухбирлари А. Йўлдошев, Ю. Бекмуродов тайёрлашди.*

• Ислоҳот одимлари

## «ЗАВОД-МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ АМАЛДА

***Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг муҳим таркибий қисми бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаси Фарғона вилоят ҳокимлиги ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турибди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ўринлари ҳосил қилиш, кишиларга касб-кор ўргатиш ҳамда уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Вилоятда бугунги кунда 7700 дан зиёд кичик корхона, цех ва бошқа хилма-хил корхоналар ташкил этилгани бунга далилдир.***

Республикамизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига ўтишда мулкни хусусийлаштириш, айниқса, маҳаллаларнинг кун сайин ривожланиб бориши «Завод-маҳалла» иқтисодий ҳудудини яратишга имконият яратди. Бундай ҳудудларнинг ташкил этилиши маҳалла аҳолисини, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, кичик корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини кўтариш, оилалар иқтисодий аҳволини яхшилашга имконият яратади.

«Завод-Маҳалла» дастури Республика Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, жойларда эса уларнинг вилоят бўлимлари орқали амалга оширилаяпти.

Хусусан, бизнинг Фарғона вилоятида ҳам «Завод-Маҳалла» ҳукумат дастурини амалга ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда аниқ тадбирлар белгилаб, унинг самарали ижроси учун ҳаракат қилаяпти. Пировардида маҳалла қўмиталари ўз ҳудудларидаги шароитни ўрганиб, бу ерда иш ўринлари ташкил этиш таклифи билан чиқаяптилар. Жумладан, Марғилондаги «Хонатлас» ҳиссадорлик жамияти, Охунбобоев туманига қарашли Оқтепа, Марғилондаги Қизил косиб маҳаллаларида, Қўқондаги «Дилором» ҳиссадорлик жамияти, шаҳардаги Муқимий, Бешариқ туманидаги Рапқон ва Шилдир маҳаллаларида ташкил этилган ишхоналарда 75 — 130 кишилоқ аҳли фойдали меҳнат билан шуғулланиб, моддий манфаат кўряпти.

Лекин бу дастур бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли эмас. Шунинг учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят давлат мулкини хусусийлаштириш бошқармалари уни жонлантириш учун ҳаракат қиляпти. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари масъулиятини ошириш, корхона маъмурияти эътиборини кучайтириш йўллари қидирилаяпти. Яқинда жамғарма бўлим ва бўлинмалари раис ва ходимлари давлат мулкини хусусийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги масъул ходимларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу соҳадаги қилинган ишларга якун ясаш билан бирга навбатдаги муаммолар кенг муҳокама этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар маҳаллалардаги ички имкониятларидан фойдаланиш йўллари, бу борада норматив ҳужжатлар зарурлиги ҳамда маълум имтиёзлар яратиш фойдадан ҳоли эмаслиги ҳақида гапирдилар.

Қўшма йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан аниқ тадбирлар белгилади. Марғилондаги «Хонатлас», Қўқондаги «Озод», «Дилором», «Улуғбек», Қувадаги «Қайқуббод», Бувайдадаги «Гилам», Фарғонадаги «Истиқбол», «Чимён-Парранда», «Фарғона — Нефть», «Фарғона — нон» ҳиссадорлик жамиятлари, вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти раҳбарлари ҳам ўзлари учун навбатдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

**С. АБДУЛЛАЕВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси.**


## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Халқ сўзи» газетасига 1996 йил учун обуна бошланди. Газетамиз келгуси йил ҳам одатдагидек ҳафтада беш марта нашр қилинади.**

### ОБУНА БАҲОСИ

**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА**

**Якка тартибдаги обуначилар учун:**

*1 ойга 99.25 сўм, 3 ойга 297.75 сўм, 6 ойга 595.50 сўм, 12 ойга 1191.00 сўм.*

**Ташкилотлар учун:**

*1 ойга 129.55 сўм, 3 ойга 388.65 сўм, 6 ойга 777.30 сўм, 12 ойга 1554.60 сўм.*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА**

**Якка тартибдаги обуначилар учун:**

*1 ойга 72 сўм, 3 ойга 216 сўм, 6 ойга 432 сўм, 12 ойга 861 сўм.*

**Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**

*1 ойга 56 сўм, 3 ойга 163 сўм, 6 ойга 336 сўм, 12 ойга 672 сўм.*

**Ташкилотлар учун:**

*1 ойга 155 сўм, 3 ойга 423 сўм, 6 ойга 801 сўм, 12 ойга 1555 сўм.*

**Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**

*1 ойга 106 сўм, 3 ойга 318 сўм, 6 ойга 636 сўм, 12 ойга 1272 сўм.*

**Индекс 64608**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**


• Биз ва жаҳон

## УЧ ЙЎНАЛИШЛИ ДАСТУР

***Нюрнберг университети профессори Френц Дурст ва қорақалпоғистонлик техника фанлари доктори Мурод Исмоиловлар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон аҳолисини ва корхоналарини тоза сув билан таъминлаш амалий-муҳандислик дастури ишлаб чиқилмоқда.***

Мазкур дастур уч йўналишдан иборат бўлиб, биринчидан, аҳолини сув тозалайдиган маиший фильтрлар билан таъминлаш, иккинчидан, йирикроқ аҳоли пунктлари учун умумий қиймати 2 миллион немис маркаси бўлган сув тозалаш заводи қуриш ва, ниҳоят, Нукус каби катта шаҳарларда махсус дунлексли сув билан таъминлаш тизимига эга бўлган заводларни барпо этиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Дастур Европа ҳамдўстлиги ва дунёнинг бир қатор йирик саноат фирмаларининг моддий ва техникавий ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирнинг ўзида Нукус ва Элликқалъа туманларининг бир қатор корхоналари ва касалхоналарига сув тозалаш ускуналари ўрнатилмоқда.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КИРОЙИ ШУНДАЙ БЎЛСА

**Биз кўпинча ёрдамчи хўжаликлар ким учун ташкил этилганлигини билмай қоламиз. Айтайлик, фалон корхонада ёрдамчи хўжалик бор, лекин корхона меҳнаткашлари унинг маҳсулотларини ўн йилда ҳам кўрмайди. Корхона раҳбари эса мақтанишдан чарчамайди.**

Навоий тоғ-металлургия комбинатининг «Дўстлик» давлат хўжалиги вилоят кончиларининг ёрдамчи хўжалиги ҳисобланади. Шу кунгача хўжалик деҳқонлари Учқудуқ ва Зарафшондаги ҳомийлари — кончилар дастурхонига 120 тоннадан кўпроқ маҳсулот юбордилар. Айни пайтда етиштирилган ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Ҳозиргача 86 тонна помидор, 93 тонна полиз экинлари, 20 тонна картошка тайёрланди. 500 тоннадан ошиқ узум йиғиб олиш мўлжалланмоқда. Ёрдамчи хўжалик киройи шундай бўлса.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Денов бозори қадимий савдо марказларидан саналади. Унинг тарихи шаҳар тарихи билан қарийб тенг. Бозор «Буюк ипак йўлига» туташиб кетганлиги учун қадимда ҳозирги Тожикистон, Туркманистон ҳамда Афғонистон мамлакатларига қатнайдиган савдогарлар унга албатта қўниб ўтишган. У ҳали ҳам гавжум ва серфайз.***

## ДЕНОВ БОЗОРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, савдо-сотиққа тўла эркинлик берилганиданми, шундай катта бозор ҳам торлик қилиб қолди. Шу боис шаҳар ҳокимлиги уни қайта қуриш, кенгайтириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу ер ҳозир улкан қурилиш майдонига айланган. Унинг умумий майдони уч ярим гектарни ташкил қилади. Чор атрофда фермер-деҳқон хўжаликлари, хусусий фирма ҳамда кичик корхоналарга қарашли тижорат дўконлари, ошхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган иншоотлар қурилияпти. Уларнинг деярли ҳаммаси шарқона тарҳ асосида бунёд этилмоқда. Кираверишга тўрт аркнусха муҳташам дарвоза тикланади. Айни пайтда унинг иккитаси қуриб битказилди.

— Асосан Ургут ва хоразмлик усталар ишлашаяпти, — дейди бозор директори Тоҳир Ғиёсов. — Қурилишнинг ярми ўзимизнинг топаётган маблаг эвазига бунёд этилаётган бўлса, бир қисми хусусий фирма, корхона ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари ҳисобидан қурилияпти. Ҳозир бозорда қарийб икки ярим миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Энди бу ерда салқин ичимликлар билан савдо қиладиган қўша-қўша дўконлар бўлади. Узоқ-яқиндан келган деҳқонларнинг ётиб, дам олишлари учун бозорга қарашли меҳмонхона таъмирланди. Ундан ошхона, нонвойхона, мева-сабзавот ҳамда тижорат дўконлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бозор ҳудудида иккита телефон нуқтаси барпо қилинди. Жетон бўлса бас, шаҳарнинг хоҳлаган томонига истаган вақтингизда телефон қилаверасиз.

Қисқаси, Денов бозори ҳадемай аҳоли учун барча қулайликлар яратилган катта бозорлардан бирига айланади.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«ЮНЕСКО» қарори билан 1995 йил В. К. Рентген йили деб аталди ва шу йилнинг 8 ноябрида бутун дунё халқлари Рентген нурлари кашф этилганлигининг 100 йиллигини кенг нишонлайдилар. Немис физик олими бу ажойиб нурларни кашф этмаганида ҳам у кристаллар физикасини ўрганиш соҳасидаги олим сифатида дунёга таниқлигича қолаверарди. Рентген нурларининг ихтиро қилиниши унинг номини янада улуғлади ва боқий қилди.*

# БУЮК ИХТИРОНИНГ ИХТИРОЧИСИ

**Фандаги кашфиёт тасодифий бўлмайди, деган эди машҳур франг олими Луи Пастер**

У 1895 йил 8 ноябрда Вюрцбург университетининг тажриба физика лабораториясида кристалларнинг физик хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотларини кеч соат 11 да тугатди. Уйга кетиш олдидан лабораториядаги электр чироқларини ўчиргач, қоронғиликда стол устидаги платина-цианид барий кристалларининг ям-яшил порлаб турганини кўрди. Олим таажжубланди, чунки кристаллар фақат ёруғлик нурлари таъсирида порларди. Лабораторияда эса қоронғилик. У электр чироқларини ёқиб, лабораториядаги бутун асбоб-ускуналарни бирма-бир синчиклаб текшириб чиқди. Охири Крукс трубкасига уланган юқори оқимли токни узмаганини кўрди, уни ўчирганда кристалларнинг порлаши сўнди. Рентген, демак, юқори оқимли ток уланганда ҳавоси сийраклаштирилган Крукс трубкасида қандайдир номаълум нурлар ҳосил бўлса керак ва унинг таъсирида 1-1,5 метр узоқликдаги кристаллар порласа керак деб ўйлади.

Ўша куни у уйга қайтмади. 2 ҳафтагача лабораториядан чиқмасдан номаълум нурларнинг физик хоссаларини ўрганди. Рафиқаси лабораторияга овқат олиб келиб турди. Иккинчи ҳафтанинг охирларида эрининг ҳолатидан ташвишланган Берта хоним ҳатто руҳшунос шифокорга бормоқчи бўлди. Рентген уни кристаллар турган столга олиб келди ва юқори оқимли токни улаганда кристалларнинг ям-яшил порлашини кўрсатиб, хотинининг панжасини нурлар ёрдамида расмга олди. Мазкур рентгенограмма кейинчалик бутун дунёни радио, матбуот ва ойнома орқали айланиб чиқди.

28 декабрда Рентген Вюрцбург университетининг физика ва тиббиётшунослик илмий жамияти раиси А. Келликерга «Янги хил нурлар» тўғрисида маълумотнома ёзди. 1896 йил 23 январь куни олимлар жамияти мажлисида ўзи ихтиро қилган нурлар ҳақида маъруза қилди. Маъруза 15 хулосадан иборат бўлиб, атиги икки бетни ташкил қилар эди. Сўнгра А. Келликер қўл панжасининг расмини олиб залда ўтирганларга кўрсатди. Унда панжанинг барча суяк-бўғинлари, мушаклар ва тери кўриниб турар эди. Келликер мен 43 йилдан бери бу жамиятга раислик қилиб келаман, лекин бундай буюк кашфиётнинг шоҳиди бўлган эмасман. Рентген очган нурлар кўпроқ тиббиётда қўлланилишига ишонаман. Бу номаълум нурларни муаллифнинг номи билан Рентген деб аташ керак деган таклиф киритди. Рентген эса қайта сўз олиб нурларга ўз номини беришдан бош тортди ва умрининг охиригача уни X нурлари деб атади. Шунингдек, нурларнинг очилишига бериладиган патентдан ва пул мукофотидан ҳам воз кечди. Унга 153 та фахрий унвонлар, ёрлиқлар берилди. У эса ўз номзодини немис академиясига киритилишига розилик бермади.

Рентген 1896 йилда физик олимлар ичида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлади. У Стокгольмга шошилмасдан бир ҳафтадан кейин борди ва Нобель мукофотини топшириш маросимида шарт бўлган маърузани ҳам қилмайди. Чунки буюк кашфиёт ҳеч қандай изоҳ ва шарҳга муҳтож эмасди. Санкт-Петербургдаги шифокорлар жамияти 1897 йилда Рентгенни фахрий академикликка сайлашади. Бу хабарни олим босиқлик билан кутиб олади.

Рентген табиатан камгап, вазмин эди. Шунданми, кейинчалик нурларнинг ихтиро қилинишига даъвогарлар ҳам чиқа бошлади (Е. С. Каменский, Ленард, Гауспид, Эттингер). Лекин Рентген кашфиётини ўз вақтида чоп этгани ва илмий асослагани учун нурларнинг очилиши фақат унга тегишлидир.

Бу нурлар ажойиб хусусиятларга эга. Рентген томонидан 58 кун ичида уларнинг физик хусусиятлари (хоссалари) ўрганилиб физика ва биология соҳаларига тегишли деб тавсия этилган. Улар электромагнит тўлқинларидан иборат бўлиб жуда қисқа узунликка эга. Шунинг учун ҳам жисмлардан, одам танасидан ўтиб кетади, кўзга кўринмайди. Фақат қабул қилувчи экран, плёнка, фотоқоғоз ёрдамида бу нурларни аниқлаш мумкин. Мазкур нурларнинг турли жисмлардан ўтиши нарсаларнинг атом оғирлигига тескари муносабатдадир. Атом оғирлиги юқори бўлган жисмларда нурлар кўпроқ ютилади (қўрғошин, темир). Улар тирик организмда модда алмашувига биологик таъсир қилиб, уни ўзгартириб юборади. Бу хусусиятлар нурлардан тиббиётда касалликни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун кенг миқёсда фойдаланишга имкон беради.

Ҳозирда нурлардан тиббиётдагина эмас, балки барча соҳаларда, қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ҳарбий саноатда, космонавтикада, адлия органларида ва ҳатто санъатда ҳам қўлланилмоқда десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунончи, улар ёрдамида сандиқни очмасдан туриб ичида нима борлигини, хоҳлаган чолғу асбобларини бузмасдан қандай тузилганини айтиб бериш мумкин.

Рентген ҳаётининг охирида камбағалликда яшади. Рафиқаси вафот этгандан сўнг унинг соғлиги янада ёмонлаша бошлади. У 1923 йилнинг 10 февралида 78 ёшда йўғон ичакдаги хавфли ўсма касаллигидан вафот этди. Ўлими олдидан ўзининг барча чоп этилган ва қўлёзма асарларини ёқиб юборишни васият қилди. Васиятини унинг душманлари тезлик билан амалга оширдилар. Шунинг учун ҳам бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли, илмий изланишлари, асарлари тўғрисида тарихда кам маълумотлар қолган.

— «Рентген истеъдодли буюк олим бўлишига қарамасдан дорилфунунда физикадан қилган маърузалари бир оҳангда, қизиқарсиз ўтар эди, — дейди Мюнҳенда таълим олган тошкентлик марҳум профессор М. Медзевич ўз хотираларида. — Лекин шунга қарамасдан у маъруза қиладиган куни зал одамлар билан тўлиб кетарди. Баъзан ўтиришга жой тополмай, маърузани тик туриб эшитардик. Бутун дунёдан шифокорлар, йирик олимлар, муҳандислар, биологлар, физиклар, кимёгарлар ва ҳаттоки талабалар унинг маърузасини эшитиш учун эмас, балки дунёга Рентген нурларини тақдим қилган буюк сиймони ўз кўзлари билан кўриш учун келар эдилар».

Ҳа, буюк ихтиронинг буюк ихтирочиси В. К. Рентген инсоният саломатлиги посбони сифатида ҳамиша барҳаётдир.

**Жўра МАҚСУМОВ,**
**профессор.**

*Олтиариқ туманидаги «Зураймомо» хусусий чорва-фермер хўжалигига Ўктамжон Қўзиев етакчилик қилади. Ишбилармон фермер оила аъзолари билан астойдил ишлаб, 55 бош қорамол парваришламоқда. 9 гектар ер жамоа ихтиёрида. Фермер хўжалиги аъзолари бу йил давлатга 55 тонна сут топшириш ниятидалар. Айни кунларда қишки мавсумга тайёргарлик ниҳоясига етказилмоқда.*

*СУРАТДА: Ўктамжон Қўзиев.*

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# ЙИРИК КОРХОНА ҚУРИЛИШИДА

***Маълумки, Қўнғирот тумани ҳудудида йилига 570 минг тонна маҳсулот берадиган йирик сода заводи барпо этилаётир.***

Ҳозирги кунда бу ерда бир қатор маиший ва коммуникация иншоотлари қурилиши қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, ҳар бири 96 ўринлик икки ётоқхона, икки қаватли чойхона-ресторан, божхона пости ва бошқа қурилишлар қад кўтармоқда.

Яқинда Қўнғиротдаги 2-кўчма механизмлашган колонна қурувчилари узунлиги 3 чақиримлик сув тармоғини фойдаланишга топширдилар. Навбатда 35 километрлик сув йўналишини битказиш ишлари турибди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фан-техника янгиликлари

### ФЕРМАДА — ЛАЗЕР

РОССИЯДАГИ «Мимекс» фирмасида яратилган ҳайвонларни даволаш-лазер усули 2-3 марта қўлланилгандан сўнг мастит (елин безларининг яллиғланиши) касалига чалинган моллар ундан тўла фориғ бўладилар, ҳатто, асорати ҳам қолмайди.

Красноярскда ҳисоблаш-лазер терапияси тизимида маститга чалинган сигирларни даволаш дастури яратилган. Компьютер билан бошқариладиган лазер нури ҳар бир сигирга алоҳида мўлжалланган дастурга асосан елиндаги касал жойни нурлантириб даволайди. Бундан ташқари лазер билан нурлантирилгандан сўнг сигирнинг сути кўпаяди ва ёғлилиги ошади. Яъни сут 21,3 фоиз, ёғлилик даражаси 6,2 фоиз кўтарилиши тажрибаларда кузатилган.

### АФРИКА ТАРИҒИ

БУ экин АҚШ, Жазоир, Австрияда, Африка ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам озуқа, ҳам дон экини сифатида кўплаб экиб келинади. Ватани эса Африкадир. Унинг пояси чорва молларига кўклай едирилади, силос бостирилади, қуруқ пичан тайёрланади. Дони яъни тариги дон сифатида озиқ-овқат ўрнида ишлатилади.

Африка тариги бир йиллик экин бўлиб, бўйи тўрт метргача етади. Ерни экишга тайёрлаш худди сорго каби жуда жўн. Бир гектар майдонга 7-9 кило уруғ сепилади, 1,6-2 сантиметр чуқурликка жойлашса бас, униб чиқаверади. Уруғини СОН-2,8 ёки СО-4,27 сабзавот сеялкасида сепиш мумкин. Органик (гектарига камида 50 кило) ва фосфорли (150 кило) ўғитларни кузги шудгор олдидан, азотли ўғитларни эса ўсиш даврида ҳар ўримдан сўнг 70 кило миқдорида берган маъқул.

Ҳосилдорлиги анча юқори — гектаридан 900 центнергача поя ва иқлим-тупроқ шароитига қараб 600-800 кило тариқ олиш мумкин. Ўзбекистон шароитида биринчи ўримда кўк масса, кейингисида эса дон йиғиштириб олинади.

### КЕНГАЙТИРИЛГАН ПАСПАЛИУМ

КЎП ЙИЛЛИК, шохлаб ўсадиган бу бошоқли экиннинг асл ватани Жанубий Америкадир. У жуда тез ўсиши, кўп марта ўриб олиниши, мўл-кўк озуқа массаси бериши билан ажралиб туради. Бундан ташқари танасида кўплаб яхши ҳазм бўладиган моддалар тўплайди. Энг маъқул яйлов ва кўп пичан берадиган ўсимлик бўлиб, уни кўклай едириш, силос бостириш, пичан, ўт уни ва донадор озуқа тайёрлаш мумкин.

Паспалиум бўйи 150-170 сантиметргача ўсиб, ҳар тупи 120 дан 200 тагача шохлайди. Асосий тупнинг тепасидаги попугида 460-540 уруғ ҳосил бўлади. Илдизи 70-90 сантиметр чуқурликкача боради. У уруғидан, тупининг бўлаклари ва илдизлари орқали кўпаяди. Алоҳида экилиб, яхши парвариш қилинса, гектаридан 11-12 минг, у ёки бу экинга қўшиб экилса, 13-14 минг озуқа бирлиги беради. Айниқса, иккинчи йили кўп уруғ тугади.

Паспалиумни Ўзбекистон шароитида тадқиқ этиб, ўрганиб, минтақалар бўйича жойлаштириш тизими ишлаб чиқилса фойдадан холи бўлмайди.

## Мухбиримиз бонг урадн

***ЁРДАМЧИ** хўжаликка Ховоснинг «Туркистон» ширкатлар уюшмаси далалари орқали бордик. Уюшма ҳудуди поёнига етгач, юлғуну шўра босган майдонлар кўзга ташланади. Ўйдим-чуқур дала йўлида бир қария борарди. Манзилимиз бир экан, машинага чиқариб олдик. Отахоннинг айтишича, ёввойи бута ва ўт босган ерлар ёрдамчи хўжаликка қарашли. У киши бу кенгликларда кўпдан буён яшайди шекилли, бу ерлар ўзлаштирилмасдан олдин файзлироқ эди-ёв, деб қўйди. Отахон бу гапни азбаройи ташландиқ ҳолга келган заминга ачинганидан айтганини тушундик.*

# АРОСАТДА ҚОЛГАН ЕР

**Тошкент трактор заводининг Ховос туманидаги ёрдамчи хўжалигида 1600 гектар ер бекор ётибди**

Ёрдамчи хўжалик идорасида яқин орада одам бўлганга ўхшамайди. Остонасидаги пештахтада рус тилида ёзилган лавҳа. Боз устига ёрдамчи хўжалик ҳануз «СССР 60 йиллиги» номи билан аталади. Хўжалик раҳбари Ибодулла Норқўзиевнинг келиш-келмаслиги даргумон бўлгач, шу атрофда қўй боқиб юрган бола Алишер мушкулимизни осон қилди. У бизни бош ҳосилот Диниқул Хидировнинг уйига бошлади. Ундан хўжаликнинг нега ҳалиям номи ўзгармаганини сўрасак, «маблағ йўқ» деди. Бу жавобдан ҳафсаласизлик ва лойқайдлик қусури юзлаб гектар ерларнинг умрига ҳам завол бўлаётганини англадик. Ёрдамчи хўжаликнинг яқингача 4065 гектар ери бор эди. Минглаб гектар ер йиллар давомида бекор ётди. Яхшиямки, ернинг 235 гектари хўжаликдан олиниб, янги ташкил этилган «Оқчангал» ширкатлар уюшмасига берилди. Лекин барибир ёрдамчи хўжалик қолган ердан ҳам тўлиқ фойдаланолмаяпти. Шу йилнинг ўзида 1600 гектардан зиёд ер экилмай қолди. Чигит қадалган 305 гектар майдондан бор-йўғи 36 тонна ҳосил олинди, холос. Полиз экинлари ҳам ҳосил бермади. Бош ҳосилот «65 гектар бедамиз бор, лекин аслида шунинг 25 гектаригина ҳақиқий бедапоя, қолганида ёввойи ўт ўсади» дейди. Ёрдамчи хўжалик жамоасининг бор йўқ тирикчилиги мана шу.

Ўтган йили бу ерда 300 га яқин қўй, 65 бош қорамол бор эди. Тошкент трактор заводи раҳбарияти чорани Пискентдаги ёрдамчи хўжаликка кўчирди. Диниқул Хидировнинг айтишича, Сариосиёдаги ёрдамчи хўжаликнинг молларини ҳам ўша ёққа олиб кетишган. Бундан заводнинг қўли калталик қилиб қолганини тушуниш мумкин. Аммо бу ерда қурилган улкан чорвачилик иншоотларининг тақдири нима кечади? Биргина ҳали қуриб битказилмаган, лекин бир миллион сўм собиқ Иттифоқ пули сарфланган молхоналар бу атрофдаги хўжаликларникидан ўн чандон катта. «Молхоналарнинг шиферларини ўғирлаб кетишган», — дейди Алишер. Идора яқинидаги таъмирлаш устахонасининг келбати ҳам чакки эмас. Аммо бу иншоот ҳам эгасиз. Боз устига, хўжаликдаги лоток-ариқлар, мелиорация тизимлари ва ерларни текислаш учун озмунча пул сарфланганми. Бу харажатларнинг ҳали юздан бири ҳам қопланганн йўқ.

Агар бекор ётган 1600 гектар ер ҳақиқий эгасини топса ва ҳосилдорлик 15-16 центнер атрофида бўлса, бир йилда бу заминдан 2000—2200 тонна пахта олиш мумкин. Бу ҳисоб-китобга Диниқул Хидиров ҳам ишонч билан қўшилди. Лекин, битта муаммо бор: сув танқис. Хўжалик экин майдонлари Жиззах насос станцияси узатадиган сувнинг сўнгги «қулоқ»ларида жойлашган. Қўшни Зомин тумани хўжаликларидан ортган сув эҳтиёжга яраша эмас. Шу ўринда айтиш керакки, Қўқон-Самарқанд йўлининг Ховос қўрғонидан Жиззах вилояти чегарасигача бўлган оралиғида 10 минг гектардан зиёд ер бор. Бу экин майдонларини суғориш тўлиқ ҳал қилинмаган. Агар Жанубий Мирзачўл канали шу кенгликларга жуда яқинлиги эътиборга олинса, бу муаммони кичик насос станцияси қуриш билан ечиш мумкин бўларди.

Аммо, трактор заводининг ёрдамчи хўжалигидаги бугунги ачинарли аҳволни сув танқислиги баҳонаси билан оқлаш адолатдан эмас. Тадбиркор кишилар кучли шўрланган ва сув тақчил бўлган ерлардан ҳам самарали фойдаланишаётир. Узоққа бормайлик. «Ўзбекистон тўқимачилиги» ёрдамчи хўжалиги тракторчиларнинг даласига қўшни жойлашган. «Мирзачўлқурилиш» трестига қарашли бу ёрдамчи хўжаликда ҳам экин майдонларидан тўлиқ фойдаланилмаётган бўлсада, ибрат олса арзийдиган ишлар бор. «Шифо» масъулияти чекланган жамияти 120 гектар ерда ширинмия ўсимлигини парвариш қилаётир. Хўжалик бош ҳосилоти Эгамназар Умматовнинг айтишича, бу ўсимликдан ноёб дори тайёрланади. Муҳими, ширинмия сувни кам талаб қилади, ер танламайди. Қолаверса, ёрдамчи хўжаликда галладан 14,2 центнердан ҳосил олинган. Экин деярли суғорилмаган. «СССР 60 йиллиги»да эса бу кўрсаткич аранг 7 центнерга етди. Хўжалик 300 гектарга ғалла экиши керак. «Бўзчи бўзга ёлчимайди» — техника йўқлиги туфайли ҳали бир гектар ерга ҳам уруғ тушгани йўқ. «Ўзбекистон тўқимачилиги»да сабзи ва пиёздан ҳам баҳоли қудрат ҳосил кўтарилган. Тракторчиларнинг дастурхонини тўкин қилишга «бел боғлаган» деҳқонлар эса ҳатто ўз рўзғорларини ҳам бу маҳсулотлар билан таъминлашолмаётир. Идора олдидаги 30-40 туб дарахтни айтмаса, бир гектар ҳам боғ ёки токзор барпо қилинмаган. Ҳолбуки, ҳовлиларда барқ уриб ўсган дарахтлар бу ерларда боғ барпо қилиш мумкинлигидан далолат беради.

Билишимизча, завод раҳбарлари 1990 йилгача ёрдамчи хўжаликнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришган. Шундан сўнг улар онда-сонда, йилда бир-икки бор ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Боз устига улар ёрдамчи хўжаликка кўмак бериш ўрнига бу ердаги мол-мулкни ташиб кетиш ҳақида ўйлашаётгандек. Завод раҳбариятининг ёрдамчи хўжаликдан «кўнгли совиши» қачонгача давом этади? Агар бу жараён узоққа чўзилса, юзлаб гектар ернинг тақдири яна аросатда қолиши тайин. Эҳтимол, ерни ўз эгаларига топшириш лозимдир. Чунки, ҳозир заводнинг ёрдамчи хўжалигига ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий ва албатта, техникавий кўмак зарур. Бир сўз билан айтганда, бугун ёрдамчи хўжаликнинг ўзи ...ёрдамга муҳтож.

... Ўша отахоннинг айтишича, ернинг уволи поннинг уволи билан тенг. Дарвоқе, бу заминнинг бекор ўтган умри давомида қанча-қанча дон етиштириш мумкин эди!

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Элга хизмат — олий ҳиммат

***Кўча ва майдонларни ёритиб турадиган электр чироқларини ўчириб-ёқадиган алоҳида хизмат тури борлигини кўпчилик билмаса керак. Ана шу тизим фидокорларининг саъй-ҳаркатлари туфайли Қарши шаҳри туни ҳамиша ёрқин, оқшомлари — тароватли.***

# ОҚШОМ, ЁРУҒЛИК «ҚУРШОВИДА»...

Йигирма беш йилдирки, Қашқадарё вилоят ташқи электр чироқлари корхонаси хизматчилари 800 километр узунликдаги электр узатиш симларини назорат қилиб, 18 мингта тунги чироқни ўчириб ёндириб, янгилаб боради.

Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар нурчиларни ҳам четлаб ўтмади. Елиб-югурмасанг, материал ҳам, чироқ ҳам ўз-ўзидан келмайди. Жамоа ана шундай мураккаб вазиятда омилкорлик билан ишлаб, тунги ёритқичларнинг мўътадил ишлашларини таъминламоқда.

Тегишли ташкилотларнинг ҳомийлиги, бевосита амалий ёрдами туфайли етарли миқдорда электр чироқларини олиб турибмиз, — дейди корхона раҳбари Мўмин Бозоров. — Шаҳарлар, туман марказларининг кўча ва хиёбонларини тунда ёритадиган тизим эса бутунлай таъмирдан чиқарилди. Айниқса, Мустақиллик байрами, Наврўз, Ийд-Рамазон, Қурбон ҳайитлари арафасида тасарруфимиздаги барча электр чироқларини қайтадан кўздан кечириб чиқиб, янгилаб бораяпмиз.

Қарангки, шу пайтгача бу корхонанинг идораси тугул устахонаси ҳам йўқ эди. Қарши темир йўл станциясидаги эски нефть маҳсулотлари шоҳобчасининг ўрни нурчилар учун ажратилгач, жамоа аҳли ҳашар усулида тўққиз хонадан иборат бинони тиклади. Идорани иситиш, ходимларининг ювиниши учун иссиқ сув берадиган қозонхона ёритгичларнинг айрим қисмларини таъмирлайдиган устахона ва пайвандлаш цехи ҳам қурилди. Ҳовли эса ободонлаштирилиб, гулзорга айлантирилди, чоғроқ боғ бунёд этилди.

Айни чоғда корхонада ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Божхона бекати

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

***Самарқанд вилояти божхона хизмати ходимлари Тожикистон Республикаси Панжакент тумани билан чегарадош бўлган сўқмоқ ва яширинча тоғ йўлларини назоратдан ўтказиб юришганди.***

Қўшни республикадан мамлакатимизга кириб келаётган енгил машинадаги шахсларнинг хатти-ҳаракати божхоначиларда шубҳа уйғотди. Уларнинг юклари яхшилаб текширилганда, бир килограмм «опий» гиёҳвандлик моддаси топилди. Панжакент шаҳрида истиқомат қилувчи 23 ёшли Даврон ва 24 ёшли Юсуф нима сабабдан ушбу заҳри қотил бўлмиш гиёҳвандлик моддасини республикамизга олиб келишаётгани билан айни кунларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари шуғулланмоқдалар.

Улар Жиноят кодексининг 272-моддасига асосан жазоланадилар.

### ЭНДИ «ДАМ» ОЛИБ ЧИҚАДИ

***Хоразм вилояти божхона хизмати ходимлари Урганч темирйўл бекати ички ишлар бўлинмаси ходимлари билан ҳамкорликда «Урганч-Москва» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиларини божхона назоратидан ўтказишаётганда қуйидаги воқеанинг гувоҳи бўлишди:***

Озарбайжон Республикаси фуқароси бўлмиш Гажиев поезд вагонларининг биридаги... ҳожатхонага кириб олиб, 7 килограмм Марихуана яширмоқчи бўлаётганда ушланди. Ўн бир дона махсус халтачаларга солинган ушбу гиёҳвандлик моддасини озарбайжонлик «меҳмон» Москвага олиб бориб сотмоқчи ва шу йўл билан мўмай даромад орттирмоқчи бўлган экан. Афсуски, орзуси рўёбга чиқмади. Энди у поездма-поезд тентираб юрмасдан, бир неча йил керакли жойда «дам» олиб чиқади. Зора, ақли кирса...

### ЎҒРИ ЎТОЛМАДИ

***Андижон вилояти божхона хизматига қарашли 5-пост ходимлари сўқмоқ йўллар билан Қирғизистонга ўтиб кетмоқчи бўлаётган Салим Адҳамовни тўхтатишди.***

У велосипедига 4 дона гилам ва бир қанча қимматбаҳо газламалар ортиб олганди. Божхоначиларнинг саволига Салимбек бу юкларни бозордан сотиб олиб, Қирғизистонга олиб кетаётганлигини айтди. Лекин...

Божхона ва ички ишлар ходимлари суриштирув олиб борганларида, ушбу гиламу газламалар Қорасув шаҳрида яшовчи бир муштипар аёлнинг уйидан ўғирлаб чиқилгани аниқланди.

Хонадон соҳиблари ўғирланган молларни қайтариб берган божхоначиларга раҳмат айтишди, қирғизистонлик Салим эса қилмишига яраша жазоланади.

**Абдул МЎМИН.**

• Собир Абдулланинг 90 йиллигига

# СЕН ТОПИБ ҲАР ПОК КЎНГИЛНИ ДАСТА ГУЛ ТУТДИНГ АНГА

Тошкентнинг кўркам масканларидан бирида Собир Абдулланинг гаройиб боғи бўлган. Боғда турли-туман анвойи мева дарахтларидан ташқари ранго-ранг гуллар ҳам бўлиб, уларнинг аксарини шоирнинг ўзи аллақаерлардан олиб келиб ўстирган. Бу гулларга ошиқ бўлган булбуллар эса шу боғнинг ўзида, ғўзапоя ғарамидан махсус терилган уяда яшаб, шоирни субҳидам кезларида ўз валфажрлари билан уйғотган. Боғдаги гуллар шундай нодир навларга мансуб бўлганки, бу боғда меҳмон бўлган шоирлар уларга антиқа исмлар қўйганлар. Гуллардан бирининг бутоқлари семиз бўлиб, барги ё нондаси синдирилса, ундан сутга ўхшаш оқ суюқлик милт-милт оқиб турган. Ғафур Ғулом бу гулга Сигиргул деб ном бериб, қанча-дан-қанча содда дўст-ёрларини Собир Абдулланинг ундан челаклаб сут олишига ишонтириб юрган. Яна бир қирққулоққа ўхшаб кетган гул эса қўл тегиши билан буҗмайиб, шохларини осилтириб олган. Бу нозик ниҳол гулни Гули ибо деб аташган. Энг муҳими, уни тошкентлик кексалар Собир Абдуллага «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини томоша қилганларидан кейин миннатдорчилик рамзи сифатида армуғон қилишган.

Мен Собир Абдулладан қолган бой адабий меросни назардан ўтказар эканман, у менга ана шундай ажойиб бир боғ бўлиб кўринади. Шоирнинг узоқ йиллар мобайнида ёзган ҳамда Тўхтасин Жалилов сингари булбулзабон бастакорлар ва хонандалар туфайли бутун ўзбек диёрига тарқалган ғазал ва қўшиқлари ўша боғдаги ранг-баранг гулларга, ўзбек саҳнасини безаб келган пьесалари, қувноқ руҳ билан суғорилган ҳажвиялари, олис тарих саҳифаларини жонлантирган романлари (уларнинг бир нечтаси тугалланмай қолган) эса турли-туман таъмли мева дарахтларига ўхшаб кетади.

Чиндан ҳам, ҳар бир ижодкор ўз асари устида, бир боғбон ўлароқ меҳнат қилади. Шу маънода Собир Абдулла яратган ва бугун халқимиз баҳраманд бўлаётган энг гаройиб боғ унинг ижоди, унинг адабий меросидир.

XX асрда, бизга замондош бўлиб яшаган ёзувчилар орасида Ойбекдан кейин Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемирлар билан ё олдин, ё кейин Собир Абдулла туради. Афсуски, бугунги воқелик бу забардаст ижодкорларнинг адабий меросини тўла ҳолда чоп этиш имконига эга эмас. Борди-ю, яқин келажакда шундай имкон туғилса, авлодлар Собир Абдулланинг адабиётдаги эллик йиллик ҳаёти мобайнида ижодсиз бирор кун ҳам нафас олмагани ва сандиқ-сандиқ асарлар, хотиралар, хатлар қолдирганига шоҳид бўладилар. Мен ана шу нарсадан хабардор киши сифатида унинг ҳавас қилса арзирли ички интизоми ва меҳнатсеварлигига таҳсинлар ўқийман.

Собир Абдулланинг биринчи шеъри бундан етмиш йил муқаддам, 1925 йили «Янги Фарғона» газетасида босилган. Орадан бир йил ўтгач, у шу газетанинг «Чиғириқ» деб номланган бўлимида адабий ходим сифатида ишлай бошлаган. Нафақат шу бўлим, балки умуман адабиёт майдони чиғириқдан иборат. Бу майдонга кимлар кириб, кимлар чиқмайди. Ҳатто уч-тўртта китоб чоп этган қаламкашлар ҳам, агар истеъдодлари ва ижодий куч-қувватлари бўлмаса, адабиёт оламида узоқ қолмайдилар. Собир Абдулла адабиётимиз бахтига, туғма истеъдодга ва катта ижодий ғайрат-шижоатга эга шоир сифатида ҳаёт ва адабиёт синовларидан шараф билан ўтди.

Аср бошларида Қўқонда туғилган Собир Абдулла сингари шоирлар зуваласида Муқимий ва Фурқатлар руҳининг бўлмаслиги маҳол эди. Шунинг учун ҳам у, табиийки, мумтоз ўзбек шеърияти билан ҳозирги адабиётимизни боғловчи кўприк бўлди. У шоир сифатида арузга қарши, демак, миллий адабий анъаналарга қарши кураш авж олган даврларда ўзбек мумтоз

адабиётининг бой тажрибасини Ҳабибий, Чустий, Чархий, Сайфий сингари дўстлари билан бирга омон сақлаб қолди. Агар бугун Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов сингари шоирларнинг ғазаллари ҳаво тўлқинларида янграб турган ва ғазалхон халқимизга завқ-шавқ бераётган бўлса, бу бахтли имкониятни Собир Абдулла бошлиқ арузнавис шоирлар авлоди яратиб берган. Уларнинг адабиётимиз олдидаги буюк хизмати ана шундан иборат.

Собир Абдулла ижоди шаклланa бошлаган йилларда адабиётимизда драматургия пайдо бўлиб, миллий ўзбек театри шаҳдам қадамлар билан ривожлана бошлаган эди. Инсон сифатида қанчалик камтар бўлмасин, ижодда ҳамиша баландда юрган Собир Абдулла бу янги адабий турни четлаб ўтмади. У 1926 йилдаёқ «Мухбирга ҳужум» деган дастлабки пьесасини ёзиб, Ҳамзанинг назарига тушди. Асарни эса ўша йилларда Қўқон театрининг адабий эмакдоши ва режиссёри бўлган Ғулом Зафарий саҳналаштирди. Бугун бу пьесанинг, шунингдек, «Боғбон қиз», «Қашқар қизи», «Узун қулоқ азиз», «Ойхон» сингари драмаларининг яратилганлигини фақат мутахассисларгина биладилар. Кенг томошабинлар оммаси эса Собир Абдуллани, аввало, «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Муқимий», «Гул ва Наврўз» сингари қарийб барча мусиқий театрларимиз репертуарини безатган саҳна асарларининг машҳур муаллифи сифатида эъзозлайдилар. Агар бу рўйхатга драматург қаламига мансуб «Фарҳод ва Ширин» «Қурбон Умаров», «Севаман», «Қўчқор Турдиев», «Ўзбекистон қиличи», «Даврон ота» (сўнгги тўртта пьеса ҳамкорликда ёзилган»), «Истеъдод», «Менинг жаннатим» драмаларини ҳам киритсак, унинг мусиқий драма жанри тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшганлиги равшан бўлади.

Шубҳасиз, бу мусиқий драмаларнинг майдонга келиши, саҳна юзини кўриши ва томошабин олқишига сазовор бўлишида Тўхтасин Жалилов сингари улуғ бастакорлар, Музаффар Муҳамедов сингари забардаст режиссёрлар, Маҳмуджон Ғафуров сингари ўлмас артистларнинг хизматлари оз эмас. Собир Абдулла уларнинг илҳомбахш меҳнатларидан мамнун бўлибгина қолмай, уларни ўзининг ҳаммуаллифлари сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Ёзувчи учун муҳим омиллардан бири унинг қандай ижодий муҳитда яшашидир. Собир Абдулла хонанишин шоир бўлиб қолмай, гоҳ қўқонлик қаламкаш биродарлари гоҳ Ғафур Ғулом, Юнус Ражабий, Ҳабибий, Ғайратий сингари дўстлари гоҳ бўлажак қаҳрамонлари — боғбонлар, пахтакорлар, ғаллакорлар ҳузурида бўлган. У донолар даврасида билим хазинасини бойитиб, китобхонлар билан бўлган учрашувларда уларга қандай асарлар зарурлигини қалб кўзи билан кўрган. Шу тарзда лирикадан ҳажвияга, шеърдан ҳикояга, пьесадан эса романга йўл топиб, адабиётнинг қарийб барча тур ва жанрларида қалам тебратди.

Агар Собир Абдулла 1931 йилдаёқ «Эрк илҳомлари» ва «Навбаҳор» деган дастлабки шеърий тўпламларини нашр этган ва ўзининг шоир бўлиш орзуси ҳақида бонг урган бўлса, кўп ўтмай, унинг илк ҳикоялари матбуот юзини кўра бошлади. 1937 йили эса унинг «Улфат» ҳикоялар тўплами нашр этилди. Собир Абдулла бутун ижодий йўли мобайнида насрий жанрларга ҳам тез-тез мурожаат этиб турди. 60-йилларнинг ўрталарига келиб эса «Мавлоно Муқимий» романини, кейин «Беш саргузашт» воқеий қиссасини яратди. Унинг сўнгги икки романи — «Мавлоно Завқий» ва «Ҳаёт йўли» сайқал олмай қолган.

Собир Абдулла ўз сиймосида ўзбек халқининг сўнгги бир асрдаги тарихини, айниқса, Муқимий ва Завқийлар ҳаётини ва улар яшаган даврни мужассамлаштирган. Унинг ўзи шу ижодкорлар ҳаётининг янги тарихий шароитдаги давомчисидир. Шунинг учун ҳам у ўз ҳамшаҳарлари ва устозлари тўғрисида романлар ёзмай илoжсиз эди. Агар биз бу ва бошқа тугалланмай қолган асарларини ўқисак, унинг ҳали яна қанчадан-қанча насрий, саҳнавий ва шеърий асарлар ёзиши мумкинлигини кўриб, умрнинг бевафолигидан афсуслар чекамиз.

XX аср тугаши арафасида мамлакатимиз тарихида инқилобий воқеалар рўй берди. Етмиш йилдан зиёд ҳукм сурган мафкуранинг бетон қўрғони нураб тушди. Адабиётимизнинг ҳам шу вақт орасида ёзилган ва шу мафкура қони билан суғорилган асарлари ўз қимматини йўқотди. Афсуски, бундай асарлар энг забардаст шоир ва ёзувчиларимиз, шу жумладан, Собир Абдулланинг ҳам бисотида йўқ, деб бўлмайди. Лекин у чинакам халқ шоири сифатида кўпроқ севги ва муҳаббат сингари абадий мавзуларда ижод қилган. Шунинг учун ҳам унинг адабий меросидан келажак авлодлар ҳам тўла баҳраманд бўлажаклар. Шунинг учун ҳам унинг номи, энг яхши асарлари завол ни маълигини билмаяжак.

Собир Абдулла юқорида тасвир этилган боғи ҳақида кўплаб ғазаллар битган. Уларнинг бирида бундай сатрлар бор:

***Боғда мен кезсам агар, ўнгай***
***этакдан гулларим,***
***Тебраниб бўй тарқатар***
***райҳонларим, жамбилларим.***
***Боғбонлик гашти бор, гоҳо***
***чиқиб тонг чоғида***
***Куйласам, сайрар чўзиб гул***
***шохида булбулларим.***
***Ўйнашар бор мевалар, гуллар***
***миришкор келди, деб***
***Тўкилур шафтолилар,***
***тегмай уларга қўлларим...***

Шоир яратган бошқа бир боғ ҳамиша барҳаёт қолади. Бу — Собир Абдулланинг гўзал ва сўлим асарларидир.

**Наим КАРИМОВ.**

• Футбол

# СТАДИОНГА 40 МИНГ ТОМОШАБИН КЕЛДИ, ЛЕКИН...

***Бу йилги футбол мавсумининг қайноқ ўчоқларидан бири Наманган шаҳри бўлди, десак хато қилмаймиз. Гарчи, ҳар мавсумда томошабинларнинг ташриф буюриши борасида Наманган марказий стадиони мамлакат бўйича пешқадамлик қилган бўлса-да, у бу йилгидек тўлиб-тошмаган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда бу борада наманганлик футболсеварлар владикавказликлардан ташқари барча МДҲ футбол клублари мухлисларини ортда қолдиришган.***

Ўтган ҳафтада Наманган марказий стадиони яна футболсеварлар билан гавжум бўлди. Водийнинг турли бурчакларидан келган 40 мингдан ортиқ мухлислар Ўзбекистон кубоги учун «Навбаҳор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги ярим финал учрашувининг шоҳиди бўлишди. Маълумки, бу жамоалар ўртасида ярим финалнинг дастлабки учрашуви Фарғонада ўтказилиб, унда дуранг (2:2) қайд этилганди. Такрорий учрашувда эса мамлакатимизнинг уч карра чемпиони «Нефтчи» 5:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Албатта, бу ҳисоб учрашувнинг шоҳиди бўлмаган барча футбол мухлисларини ҳайратга солади. Ҳа, бундан бир неча кун олдин мамлакат чемпионатининг Фарғонада ўтказилган 28-тур учрашувида 2:1 ҳисобда мағлубиятга учраган «Навбаҳор» бу сафар «Нефтчи»га нисбатан ҳар томонлама устунлик қилиб, йирик ҳисобда ғалаба қозонди. 30-дақиқада Винников, 33-дақиқада Асадуллаев, 42-дақиқада Мусабоев бирин-кетин «Нефтчи» дарвозасини ишғол этишди. Иккинчи бўлимда ҳам «Навбаҳор» деярли рақиб футболчиларига ўйин бермади. «Нефтчи» дарвозаси ёнида жуда кўп бор қулай вазиятларни юзага келтирган наманганлик футболчилар уларнинг яна иккитасидан (Шацких, Тоғаев) фойдалана олишди ва учрашув 5:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди.

«Нефтчи»нинг бундай йирик ҳисобдаги мағлубиятини қандай изоҳлаш мумкин. Аввало, шу куни жамоа майдонга ғалаба иштиёқида чиқмади. Буни Лебедев, Дўрмонов, Завальнюк, Андреев, Мамотов каби етакчи ўйинчиларнинг захирадан ўрин олганлигидан ҳам билса бўлади. Ёшлар эса «Навбаҳор»га бор йўғи 30 дақиқагина қаршилик кўрсата олишди. Бунинг устига ҳимоячи Семёнов икки марта огоҳлантириш олиб майдондан чиқиб кетиши натижасида «Нефтчи» майдонда ўн киши бўлиб ҳаракат қилди. Шундай бўлса-да, жамоанинг майдонга номигагина чиқиши шу куни ҳақиқий футбол учрашувини кўриш иштиёқида стадионга ташриф буюрган 40 мингдан зиёд футболсеварларни қаттиқ ранжитганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ярим финалнинг иккинчи учрашувида МҲСК жамоаси Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди финалда «Навбаҳор» ва МҲСК жамоалари ўзаро куч синашади.

# «НЕФТЧИ» — ЧЕМПИОН

Олий лига жамоалари ўтган ҳафтанинг охирида сўнгги тур учрашувларида қатнашишди. Самарқандда «Динамо»га қарши майдонга чиққан Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 0:1 ҳисобида ғалаба қозониб, тўртинчи марта Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлди. Ягона тўпни 11 метрли жаримадан бу йилги мавсумни юқори савияда ўтказган Сергей Лебедев киритди.

Марғилонда «Атласчи» клубидан шундай ҳисобда устун келган МҲСК жамоаси «кумуш» медаль соҳиби бўлди. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасига эса ўтган йилгидек яна «бронза» медали насиб этди. Эслатиб ўтамиз, наманганликлар ўтган йили ўттиз учрашувнинг 17 тасидан ғалаба қозониб, олтита дурангга эришган эдилар. Бу йил улар янада кучлироқ ўйин кўрсатиб, 23 учрашувда ғалаба қозонган ва 3 учрашувда дурангга эришган бўлишларига қарамай, учинчи ўрин билан кифояландилар. Сўнгги турда «Навбаҳор» «Чирчиқ» жамоасини Чирчиқда 1:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Наврўз» — «Сўғдиёна» — 4:1, АСК — «Политотдел» — 1:2, «Трактор» — «Пахтакор» — 1:2.

Олий лигада қолган яна икки учрашув ўтказилгач, Ўзбекистон тўртинчи миллий чемпионати якунлари ҳақида батафсил маълумотлар берамиз.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-И | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Нефтчи»** | **30** | **24** | **4** | **2** | **83:32** | **76** |
| **2. МҲСК** | **30** | **23** | **5** | **2** | **67:19** | **74** |
| **3. «Навбаҳор»** | **30** | **23** | **3** | **4** | **69:23** | **72** |
| 4. «Пахтакор» | 30 | 20 | 5 | 5 | 67:27 | 65 |
| 5. «Нурафшон» | 30 | 13 | 1 | 16 | 39:23 | 40 |
| 6. «Политотдел» | 30 | 11 | 6 | 13 | 36:51 | 39 |
| 7. «Атласчи» | 30 | 11 | 4 | 15 | 36:48 | 37 |
| 8. «Наврўз» | 30 | 10 | 7 | 13 | 38:46 | 37 |
| 9. «Динамо» | 30 | 10 | 5 | 15 | 24:37 | 35 |
| 10. АСК | 30 | 10 | 5 | 15 | 33:50 | 35 |
| 11. «Трактор» | 30 | 9 | 8 | 13 | 30:43 | 35 |
| 12. «Сўғдиёна» | 29 | 10 | 3 | 16 | 41:49 | 33 |
| 13. «Янгиер» | 28 | 9 | 5 | 14 | 32:41 | 32 |
| 14. «Машъал» | 30 | 8 | 5 | 17 | 21:58 | 29 |
| **15. «Темирйўлчи»** | **29** | **6** | **3** | **20** | **25:63** | **21** |
| **16. «Чирчиқ»** | **30** | **3** | **7** | **20** | **21:52** | **16** |


**АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан «Ўқувчи» номли янги омонат турини таклиф қилади.*
*«Ўқувчи» омонати — бу фарзандингиз учун ажойиб совғадир!*

**«Ўқувчи» омонати бу:**

миқдори камида 10 сўм бўлган;
йилига 60 фоиз даромад тўланадиган;
нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган;
юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.
«Ўқувчи» омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.
«Ўқувчи» омонати 12 — 18 ёшдаги ёшлар омонатидир!

**Халқ банки Сизни кутади.**

*Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95.*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви.**


*Тошкент вилоят Тадбиркорбанки ҳисоб амалиёт бўлими томонидан «Галлео» хусусий фирмасига берилган АТ 0146616 дан 0146620 гача рақамли янги намунадаги лимитлаштирилган чек дафтарчаси ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.*


**Kamalak-TV**

*Эфир-кабел телевидениеси*

**ЭФИР-КАБЕЛ ТЕЛЕВИДЕНИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

"Камалак-ТВ" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси эфир-кабел телевидениеси барча абонентларига эслатиб ўтадики,, тузилган шартнома ва Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунлар *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш юзасидан масъулиятларини ошириш тўғрисида"ги 1995 йил 12 майдаги Фармони)* асосида АБОНЕНТЛАР телевидение кўрсатган хизматлар учун "Камалак-ТВ" қўшма корхонасига ХАҚ ТЎЛАШГА МАЖБУРЛАР.

Қонун ҳамда тузилган шартноманинг ушбу қоидаларини бажармаслик абонентларни эфир-кабел телевидениеси тармоғидан узиб қўйиш ва дебиторлик қарзни суд йўли билан мажбуран ундиришга сабаб бўлади.

**Ҳурматли "Камалак-ТВ" қўшма корхонаси эфир-кабел телевидениеси абонентлари!**

Телекўрсатувлар тармоғидан узиб қўйиш ва даъво маълумотларини суд органларига оширишга йўл қўймаслик учун Сиздан ўз мажбуриятингизни пухта бажариб, ҳақни вақтида тўлашингизни, эфир-кабел телевидениеси хизмати юзасидан қарзингиздан 10 кунлик муддат ичида узилишингизни сўраймиз.

**"Камалак-ТВ" - бу:**

***Сизнинг уйингиздаги юқори сифатли, кўп дастурли телевидение!***

**Саккизта дастур — "катта пакет":**

*1. Спорт.* *2. Останкино.*
*3. ТВ-6 Москва.* *4. Россия ТВ.*
*5. Мусиқа.* *6. Би-Би-Си-янгиликлар.*
*7. Star-Plus-оммавий.* *8. Cine-Plus-фильмлар.*

**Дастлабки бешта дастур — "кичик пакет".**

*20 ва ундан зиёд абонентларни тўртта дастурга улаш.*

*Нархлар - энг мақбул.*

**"Камалак-ТВ" — хуш кайфият,мириқиб дам олиш ва тўлақонли ахборот демак.**

**Бизнинг манзил:**
*"Главпочтамт" ёки янги телеминора.*
**Телефонлар:**
*35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс: 34-01-11.*
*Зудлик билан ахборот бериш учун "Пэйджинг" алоқасидан фойдаланинг, тел.: 067, абонентлар учун ахборот №№ 2325 ва 1403.*

*"Камалак-ТВ" қўшма корхонаси маъмурияти.*



***АБИТУРИЕНТЛАР, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОТА — ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ 8 ОЙЛИК ЎҚУВ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ БОШЛАДИ.**

Ўқув гуруҳлари ўқувчиларнинг танлаган мутахассисликларига асосланиб (умумтехникавий, умумиқтисодий, гуманитар ва табиий фанлар мутахассислиги гуруҳлари) 4 хил йўналиш бўйича олийгоҳларга тайёрланадилар.

Ўқитиш махсус тайёрланган дастур ва тест синовларига тайёргарлик услублари асосида ташкил қилинган:

— 8 ойлик дастур бўйича 1995 йил, 10-ноябрдан;

— 6 ойлик дастур бўйича 1996 йил, 3-январдан.

Ўқиш учун тўловлар якка тартибда ва шартнома бўйича қабул қилинади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

*Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, 70000, Усмон Носир кўчаси (Ш. Руставели) 25-уй. Телефонлар: 55-59-47, 55-66-17.*

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  Буюртма Г. — 0507.  51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.15. 1 2 3 4 5 6